

## ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ

Ушбу қўлланилишига доир йўриқномани дори воситасини қабул қилишдан олдин диққат билан ўқиб чиқишингизни илтимос қиласиз. Унда Сиз учун муҳим маълумотлар мавжуд.

Қўлланилишига доир маълумотни сақлаган ушбу қўлланилишига доир йўриқномани сақлаб қўйинг, чунки кейинчалик Сизда уни яна бир бор ўқиб чиқишига зарурат туғилиши мумкин.

Илтимос, ҳар қандай қўшимча маълумот ёки маслаҳатни олиш учун шифокорингиз ёки фармацевтингизга мурожаат қилинг.

Шифокорингиз ушбу дори воситасини шахсан Сизга буюрилган. Уни бошқа шахсларга берманг. Препарат уларга зиён етказиши мумкин, ҳатточи уларнинг касаллик симптомлари Сизники билан ўхшаш бўлса ҳам.

### **Препаратнинг савдо номи: РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ**

**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** парацетамол, кофеин, фенилэфрин гидрохлориди, хлорфенирамин малеати.

**Дори шакли:** таблеткалар

**Таркиби:**

ҳар бир таблетка қуидагиларни сақлайди:

*фаол моддалар:* парацетамол – 500 мг, кофеин – 30 мг, фенилэфрин гидрохлориди – 10 мг, хлорфенирамин малеати – 2 мг.

*ёрдамчи моддалар:* карбоксиметилкрахмал натрий, повидон, пропиленгликоль, маккажӯҳори крахмали, метилпарабен, пропилпарабен, сариқ “куёш шафақи” бўёвчиси, тальқ, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи:** оч-тўқ сариқ рангдан, тўқ сариқ рангача бўлган, оқ ва тўқ сариқ ранги доғлари бўлган, рискали ясси таблеткалар.

**Фармакотерапевтиқ гурухи:** ЎРК “шамоллаш” симптомларини баратараф этиши учун ва (психостимулятор восита+анальгетик нонаркотик восита+альфа-адреномиметик+H<sub>1</sub>+гистамин рецепторларининг блокатори) воситаси.

**АТХ коди:** N02BE71

### **Фармакологик хусусиятлари**

РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ – мажмуавий препарат бўлиб, таркибига кирувчи компонентларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган анальгетик, иситмани туширувчи ва аллергияга қарши таъсирларга эга.

*Парацетамол (ацетаминофен)* – анальгетик-антипиретик, анальгетик ва иситмани туширувчи таъсир кўрсатади. Шамоллаш касалликларида оғрикли синдромларни камайтиради, томоқ оғрифи, бош оғрифи, мушак ва бўғим оғриқлари, юқори ҳароратни пасайтиради. Таъсир механизми гипоталамусдаги терморегуляция марказида простагландинлар синтезини сусайтириши билан боғлик.

*Кофеин* – марказий нерв тизимига (МНТ) рағбатлантирувчи таъсирга эга, чарчоқлик ва үйқучанликни камайтиришига, жисмоний ва ақлий иш қобилиятини оширишига олиб келади.

*Фенилэфрин гидрохлориди* – альфа1-адреномиметик. Қон-томирларни торайтирувчи таъсир кўрсатади, нафас йўллари ва буруннинг ёндош бўшликлари шиллиқ қаватининг шиши ва гиперемиясини камайтиради, бурун орқали нафасни енгиллаштиради.

*Хлорфенирамин малеати (хлорфенирамин) – H1-рецепторларнинг блокатори, аллергияга қарши таъсир қўрсатади, бурун бўшлиғи, бурун ҳалқуми ва буруннинг ёндош бўшлиқларининг шиши ва гиперемиясини камайтиради, кўзлар ва бурунни қичишишини йўқотади, бурун орқали нафасни енгиллаштиради. Экссудатив хуружларни камайтиради.*

### **Фармакокинетикаси**

#### **Парацетамол**

Меъда-ичак йўлларида (МИЙ), асосан ингичка ичакда тез ва деярли тўлиқ сўрилади. 500 мг дозада бир марта қабул қилингандан кейин қон плазмасидаги максимал концентрациясига ( $C_{max}$ ) 10-60 минутдан кейин эришилади ва 16 мкг/мл ни ташкил қиласди, сўнгра тахминан пасаяди ва 6 соатдан кейин 11-12 мкг/мл ни ташкил этади. Қон оқсиллари билан боғланиши аҳамиятсиз. Ярим чиқарилиш даври ( $T_{1/2}$ ) 1-4 соатни ташкил қиласди, аммо доза ошириб юборилганда жигар касалликларида ва кексаларда узайиши мумкин. Сийдик билан асосан глюкуронид ва сульфатли конъюгатлар кўринишида чиқарилади.

#### **Кофеин**

Жигарда (97%) 1,7-метилксантин, 1,7-диметилметилксантин ва 1,3-диметилмочевина кислотасигача метаболизмга учрайди, улар сийдик билан чиқарилади.

#### **Фенилэфрин**

Ичга қабул қилингандан кейин меъда-ичак йўлларида ёмон сўрилади. Ичак деворида ва жигардан “биринчи ўтиши” да ваmonoаминооксидаза иштирокида метаболизмга учрайди. Фенилэфриннинг биокираолиши паст. Организмдан буйраклар орқали чиқарилади.

#### **Хлорфенирамин**

Ичга қабул қилинганидан кейин меъда-ичак йўлларидан яхши сўрилади. Гематоэнцефалик тўсиқ орқали ҳар хил тўқималарга киради. Оқсиллар билан боғланиши- юкори. Жигарда метил гурухини бирикиш йўли орқали метаболизмга учрайди. Метаболитлар кўринишида ва меъда-ичак йўллари ва буйраклар кўринишида чиқарилади.

### **Қўлланилиши**

Грипп, ЎРВИ (иситма синдроми, оғриқ синдроми, ринорея), аллергик ринит ва ринит, бурунни битиши, бош оғриғи, иситма, этни увишиши, бўғим ва мушакларда оғриқ билан кечувчи бошқа шамоллаш касалликларини симптоматик даволашда қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

*РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ ни ҳар доим Сизнинг даволовчи шифокорингиз тавсиясига мос равишда қабул қилинг. Агар Сизда бирон бир ишончсизлик түгилса, шифокор ёки фармацевтдан сўранг.*

Овқат қабул қилингандан кейин, 1-2 соат ўтгач препарат ичга буюрилади.

Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга 1 таблеткандан ҳар 4-6 соат буюрилади. Максимал бир марталик доза – 1 таблетка, максимал суткалик доза – 4 таблетка. Даволаш курси – 5 кундан кўп эмас.

*Терапевтик самара етарли бўлмагандек янги симптомлар пайдо бўлганда, жиiddийроқ касаллик бўлиши мумкинлиги туфайли тез шифокорга мурожсаат этиши керак.*

### **Ножўя таъсирлари**

*Ҳар қандай бошқа дори препаратлари каби РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ ножўя таъсирлар чақириши мумкин, гарчи у ҳаммада ҳам намоён бўлмаслиги мумкин.*

РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ препаратини кўллашда қўйидаги ножўя таъсирлар чақирилиши мумкин:

*Аллергик реакциялар: тери тошмаси, қичишиш, эшакеми, ангионевротик шиш.*

*Марказий нерв тизими томонидан: бош айланиши, уйқуга кетишни бузилиши, юкори қўзгалувчанлик.*

*Юрак-қон томир тизими томонидан: АБ ошиши, тахикардия.*

*Овқат ҳазм қилиши тизими томонидан: оғизни қуриши, күнгил айниши, қусищ, эпигастрия соҳасида оғриқ, гепатотоксик таъсир.*

*Күриши аъзолари томонидан: мидриаз, аккомодация парези, кўз ички босимини ошиши.*

*Қон яратиш тизими томонидан: анемия, тромбоцитопения, агранулоцитоз, гемолитик анемия, апластик анемия, метгемоглобинемия, панцитопения.*

*Сийдик-чиқарии тизими томонидан: буйрак санчиқлари, глюкозурия, интерстициал нефрит, папилляр некроз.*

*Нафас олиши тизими томонидан: бронхообструкция.*

*Агар Сизда бу қўлланилишигага доир йўриқномада таърифланмаган ҳар қандай бошқа ножсўя реакциялар аниқланса, Сиз бу ҳақида шифокор ёки фармацевтга хабар беринг.*

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

*РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ қўйидаги ҳолларда қўлланилмасин:*

- Парацетамолга ва препаратининг таркибига кирувчи бошқа компонентларига юқори сезувчанлик;
- РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ таркибига кирувчи моддалар сақловчи бошқа препаратларни қабул қилиш;
- Коронар артерияларнинг яққол атеросклерози, юрак ишемик касаллиги;
- Аритериал гипертензия (оғир кечиши);
- Қандли дибет (оғир кечиши);
- Бета-адреноблокаторлар, моноаминооксидаза ингибиторлари, трициклик антидепрессантларни бир вақтда қабул қилиш;
- Ҳомиладорлик, лактация даври;
- 12 ёшгача бўлган болалар.

*Эҳтиёжкорлик билан: артериал гипертензия, қалқонсимон безининг касалларни (тиреотоксикоз, гипертиреоз); феохромацитома, қандли диабет, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, глюкоза-б-фосфатдегидрогеназа танқислиги, қон касалларни, туғма гипербилирубинемия (Жильбер, Дубин-Джонсон ва Ротора синдромлари), жигар ва/ёки буйрак етишмовчилиги, ёпиқбурчакли глаукома, простата безининг гиперплазиясида (сийдик чиқарилишини қийинлашиши, қовуқ бўйининг обструкцияси) эҳтиёжкорлик билан қўлланилиши лозим.*

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

*Илтимос, агар Сиз яқин орада қандайдир бошқа препаратларни қабул қилган ёки қабул қилаётган бўлсангиз, агар у рецептсиз берилаётган бўлса ҳам, ўз шифокорингиз ёки фармацевтга маълум қилинг.*

**РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ** этанол, седатив препаратлари, МАО ингибиторларининг самарасини оширади.

**РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ** препаратини антидепрессантлар, паркинсонизмга қарши воситалар, антипсихотик воситалари, фенотиазин ҳосилалари билан бир вақтда қўлланилганда, сийдикни тутилиши, оғизни қуриши, қабзиятлар ривожланишини хавфи оширади.

**ГКС РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ** препарати билан бир вақтда қўлланганда глаукома ривожланиши хавфини оширади.

Парацетамол диуретик препаратларнинг самарасини пасайтиради.

Этанол антигистамин дори воситаларини седатив таъсирини оширади.

Хлорамфенираминни МАО ингибиторлари, фуразолидон билан бир вақтда қўлланганда гипертоник кризга, кўзғалишга, гиперпирексияга олиб келиши мумкин.

Трициклик антидепрессантлар фенилэфриннинг қўлланилганда адреномиметик таъсирини оширади, галатонни бир вақтда буюриш қоринчалар аритмияси ривожланиши хавфини оширади.

Фенилэфрин гуанетидиннинг гипотензив таъсирини пасайтиради, у ўз навбатида фенилэфриннинг альфа-адреностимулловчи фаоллигини оширади.  
РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ ни барбитуратлар, дифенин, карбамазепин, рифампицин ва жигар микросомал ферментларининг бошқа индукторалари билан бир вақтда қўллаш, парацетамолнинг гепатотоксик таъсири ривожланиши хавфини оширади.

### **Махсус кўрсатмалар**

РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ препаратини қўллаш даврида алкоголь, уйқу чақирувчи ва анксиолитик препаратларни (транквилизаторлар) қабул қилишдан сақланиш лозим.

Агар, препаратни қабул қилишга қарамасдан, касаллик симптомлари 3-5 кун давомида ўтиб кетмаса, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Парацетамол сақловчи бошқа дори воситаларини биргаликда қабул қилманг.

Узоқ вақт давомида қўлланганда препарат нефротоксик ва гепатотоксик таъсир кўрсатади.

### *Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши*

Ҳомиладорлик, лактация даврида қўллаш мумкин эмас. Агар Сиз РИНОМАКС® АКТИВ ТАБ қўллаётганингизда ҳомиладор эканлигинги билиб қолсангиз, дарҳол Ўзингизнинг шифокорингизга маълум қилинг, чунки у даволашни давом эттириш масаласини ҳал қиласди.

### *Жигар функциясининг бузилишиларида қўлланилиши*

Жигар етишмовчилигига эҳтиёткорлик билан қўлланади.

### *Буйраклар функциясининг бузилишиларида қўлланилиши*

Буйрак етишмовчилигига эҳтиёткорлик билан қўлланади.

### *Болаларда қўлланилиши*

12 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

### *Автомобилни ва мураккаб механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири*

Даволаш вақтида автомобилни бошқариш ва юқори диққатни талаб этувчи бошқа потенциал хавфли фаолият турлари билан шуғулланишдан сақланиш керак.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Сизга буюрилган дозадан кўпроқ доза қабул қилганингизда, дарҳол ёрдамга шифокорга мурожаат қилинг!

*Симптомлари (10-15 г дан кўпроқ парацетамол қўлланганда намоён бўлади):* тери қопламаларини оқариши, иштаҳани йўқолиши, кўнгил айниши, кусиши; гепатонекроз; "жигар" трансаминалари фаоллигини ошиши, протромбин вақтини ошиши.

*Даволаши:* меъдани биринчи 6 соат давомида фаоллаштирилган кўмир билан ювиш буюрилади, доза ошириб юборилишидан 8-9 соатдан кейин метионин донаторлари ва 12 соатдан кейин N-ацетилцистеин юборилади.

### **Чиқарилиш шакли**

4, 10 таблеткалар контур-уяли ўрамларда.

1, 2, 5, 10 контур-уяли ўрам давлат тилида ва рус тилида тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан қаттиқ қофзодаги кути ичига солинади.

### **Сақлаш шароити**

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилилк муддати**

3 йил.

Яроқлилилк муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**

«NIKA PHARM» МЧЖ

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар**

**(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**

«NIKA PHARM» МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7-тор кўчаси, 48-А уй.

Тел: 998 78 150 86 68; факс: 99878 150 84 48. [www.nikapharm.uz](http://www.nikapharm.uz)